



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 21 yil « 20 » may

№ 317

Toshkent sh.

Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика (катта) инспекторларини 2021–2023 йилларда хизмат уй-жойлари билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2906-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторлари учун хизмат уй-жойлари жадал қурилишини ташкил этиш бўйича манзилли чора-тадбирларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи **2021–2023 йилларда ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини бевосита улар хизматни ўтайдиган ҳудудда жойлашадиган хизмат уй-жойлари билан таъминлаш дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

жами 2 965 та, шундан 2021 йилда 993 та, 2022 йилда 988 та ҳамда 2023 йилда 984 та уй-жойни янгидан қуриш;

жами 223 та, шундан 2021 йилда 80 та, 2022 йилда 72 та ҳамда 2023 йилда 71 та янги хонадон харид қилиш;

жами 161 та, шундан 2021 йилда 63 та, 2022 йилда 51 та ҳамда 2023 йилда 47 та уй-жойни тўлиқ таъмирлаш.

2. Белгилаб қўйилсинки, Дастур доирасида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ДУК – хизмат уй-жойларини қуриш бўйича буюртмачи ҳисобланади;

хизмат уй-жойлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида” 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ–2639-сон қарорига мувофиқ 0,02 гектар ҳажмдаги ер участкаларида жойлаштириладиган, ҳовли иншоотларига эга бўлган бир қаватли 2 ва 3 хонали уй-жойларнинг намунавий лойиҳаси бўйича қурилади;

хизмат уй-жойларини куриш, куришга массивларни тайёрлаш, суғориш сув қузури, ирригация тармоқлари, кириб келиш йўллари, йўлаклари ва ташқи ёритиш тармоқларини куришни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳудудларини ободонлаштириш, шунингдек, хизмат уйлари учун янги хонадонларни харид қилиш ҳамда уй-жойларни тўлиқ таъмирлаш Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади;

қурилиш ишларини амалга ошириш учун бош пудратчи ва бош лойиҳачи ташкилотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов (тендер) асосида аниқланади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дастурнинг ижросини таъминлаш доирасида:

ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторлари учун бевосита улар хизматни ўтайдиган ҳудудда жойлашадиган хизмат уй-жойларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланган муддатларда сифатли қурилишини таъминласин;

шаҳар жойларда кўп квартирали уйлардан квартиралар харид қилсин ёки маҳаллий ҳокимликлар томонидан квартиралар ва уй-жойлар ажратиб, уларни ички ишлар органларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиб берсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2906-сон қарорига мувофиқ 2017–2019 йилларда тайёр бино ва иншоотларда жойлашган тўлиқ таъмирланмаган 161 та хизмат уй-жойлари тўлиқ таъмирланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Дастурнинг ижроси доирасида қурилган уй-жой, харид қилинган ёки маҳаллий ҳокимликлар томонидан ажратилган ҳамда таъмирланган квартира ва уй-жойларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш ҳамда уларнинг мазкур ҳудудларда хизмат фаолиятини олиб бораётган ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика (катта) инспекторларига бириктирилишини таъминласин;

Дастурнинг бажарилишини мониторинг қилиб борган ҳолда, ҳар ярим йилда унинг ижроси ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги мазкур қарор доирасида объектларни куриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича бажариладиган ишларнинг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “20” майдаги 317-сон қарорига
илова

**2021–2023 йилларда ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини бевосита улар хизматни ўтайдиган ҳудудда
жойлашадиган хизмат уй-жойлари билан таъминлаш
ДАСТУРИ**

Т/р	Ҳудуд номи	Жами	Янги қуриладиган уй-жойлар (2 сотихли)			Жами	Янги хонадон харид қилиш			Жами	Таъмирталаб уйлارни тўлиқ таъмирлаш			Молиялаштириш манбаи
			2021 й	2022 й	2023 й		2021 й	2022 й	2023 й		2021 й	2022 й	2023 й	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	63	21	21	21					2	1	1	0	Маҳаллий бюджет қўшимча манбалари ҳисобидан
2.	Андижон вилояти	363	121	121	121					9	5	2	2	
3.	Бухоро вилояти	193	65	64	64									
4.	Жиззах вилояти	56	19	19	18					5	3	1	1	
5.	Қашқадарё вилояти	153	51	51	51					20	7	7	6	
6.	Навоний вилояти	110	37	37	36	1	1	0	0	7	4	2	1	
7.	Наманган вилояти	308	103	103	102					3	1	1	1	
8.	Самарқанд вилояти	366	122	122	122	33	11	11	11	25	9	8	8	
9.	Сурхондарё вилояти	268	90	89	89	7	4	2	1	17	6	6	5	
10.	Сирдарё вилояти	44	15	15	14	5	3	1	1	1	1	0	0	
11.	Тошкент вилояти	424	142	141	141					11	5	3	3	
12.	Фарғона вилояти	375	125	125	125	11	5	3	3					
13.	Хоразм вилояти	173	59	57	57	1	1	0	0					
14.	Тошкент шаҳар	69	23	23	23	165	55	55	55	61	21	20	20	
Жами		2 965	993	988	984	223	80	72	71	161	63	51	47	

